

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМий КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМий КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**ТУХЛИЕВА ДИЛФУЗА БОҚИЖОН ҚИЗИ**

**УМУМий ЎРТА ТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИНИНГ 6 –11-СИНФЛАРИДА  
ҒАЗАЛ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (ўзбек адабиёти)**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2022**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctoral of philosophy (PhD)  
on pedagogical sciences**

**Тухлиева Дилфуза Боқижон қизи**

Умумий ўрта таълим мактабларининг 6 – 11-синфларида ғазал ўқитиш  
методикасини такомиллаштириш .....3

**Тухлиева Дилфуза Боқижан қизи**

Совершенствование методики преподавания газели в 6-11 классах  
общеобразовательных школ .....21

**Tukhlieva Dilfuza Bokijan qizi**

Developing the methods of teaching ghazals in forms 6 to 11 at secondary  
schools.....40

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of publication.....44

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМий КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМий КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**ТУХЛИЕВА ДИЛФУЗА БОҚИЖОН ҚИЗИ**

**УМУМий ЎРТА ТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИНИНГ 6 –11-СИНФЛАРИДА  
ҒАЗАЛ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (ўзбек адабиёти)**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2022**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2022.1.PhD/Ped3184 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент давлат педагогика университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.tdpu.uz](http://www.tdpu.uz)) ҳамда «ZiyoNET» ахборот-таълим порталида ([www.ziyo.net.uz](http://www.ziyo.net.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** **Муллаҳўжаева Каромат Ташхўжаевна**  
филология фанлари номзоди, доцент

**Расмий оппонентлар:** **Матчонов Сафо**  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Қодиров Валижон Абдурахмонович**  
педагогика фанлари доктори (DSc), доцент

**Етакчи ташкилот:** **Қўқон давлат педагогика институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01-рақамли илмий кенгашнинг 2022 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27-уй. Тел.: (+99871) 276-79-11, факс: (+99871) 276-80-86, e-mail: [tdpu\\_kengash@edu.uz](mailto:tdpu_kengash@edu.uz)).

Диссертация билан Тошкент давлат педагогика университетининг ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27-уй. Тел.: (+99871) 276-79-11; факс: (+99871) 276-80-86.)

Диссертация автореферати 2022 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
( 2022 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ -рақамли реестр баённомаси).

**Б.С.Абдуллаева**  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раиси,  
п.ф.д., профессор

**Р.Г.Исянов**  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш илмий котиби,  
п.ф.н., доцент

**Н.А.Муслимов**  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар  
раиси, пед.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон таълим муассасаларида ўқувчиларга мумтоз лирик турнинг асосий жанрларидан бири бўлган ғазални ўқитишнинг креатив технологиялари амалиётга татбиқ этилмоқда. Шарқ мамлакатлари – Туркия, Эрон, Озарбайжон, Тожикистонда ёшларда миллий-маънавий кадриятларни сақлаб қолиш, ўстириш ўқувчининг замонавий қизиқишлари ва миллий кадриятларни инобатга олган ҳолда ташкил этилиб, бадий-эстетик тафаккур ва ахлоқни тарбияловчи адабий таълим жараёнини такомиллаштириш бўйича тизимли ишлар олиб борилмоқда.

Жаҳон таълим ва илмий тадқиқот муассасаларида ғазал жанри намуналарини ўқитишни янги ва самарали методлар асосида такомиллаштириш, илмий асосларга таянган принциплар воситасида тизимлаштириш, ғазал жанри таҳлили, тарихи ва назариясига оид тадқиқотларни ривожлантириш бўйича турк, форс-тожик, ўзбек, рус, инглиз, немис олимлари томонидан илмий изланишлар олиб борилмоқда. Халқаро миқёсда лирик турга мансуб асарларни таълим жараёнида ўргатиш билан алоқадор тенденцияларни шакллантириш, лирик асарни ўрганишда ғоя излашдан қочиш, адабий-эстетик дидни ўстириш, ўқувчиларни образли фикрлашга йўналтириш бўйича илмий тадқиқот ишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Республикамизда сўнгги йилларда умумий ўрта таълим тизимида ғазал жанрини ўқитиш методикасини такомиллаштириш, ўқувчиларнинг ёш хусусиятлари ва адабий тайёргарлигига мос жанрларга қизиқишларини ривожлантириш, ўзида тарихийлик ва замонавийликни уйғунлаштирган ғазалларни ўрганишнинг меъёрий асослари яратилмоқда. «Буюк аждодларимизнинг бетакрор ва ноёб илмий-маънавий мероси биз учун доимий ҳаракатдаги ҳаётий дастурга айланиши керак. Бу ўлмас мерос ҳамиша ёнимизда бўлиб, бизга доимо куч-қувват ва илҳом бағишлаши лозим. Авваламбор, миллий таълим тизимини ана шундай руҳ билан суғоришимиз керак. Бунинг учун олим ва мутахассисларимиз, ҳурматли уламоларимиз бу маънавий хазинани бугунги авлодларга содда ва тушунарли, жозибали шаклларда етказиб беришлари зарур»<sup>1</sup>лиги устувор вазифа этиб белгиланган. Бу борада классик асарлар, хусусан, ғазал жанри адабиётимиз тарихидаги энг мумтоз жанрлардан бири бўлиб, у орқали миллий руҳиятни замонавий ўқувчига етказиб бериш имкониятлари янада кенгайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги ПФ-4797-сон «Алишер Навоий номидаги ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида» Фармони, 2019 йил 29 апрелдаги ПФ-5712-сон «Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида» Фармони, 2020 йил 6 ноябрдаги ПФ-6108-сон «Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Фармони, 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг

---

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш.М. Ўқитувчилар ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи // Халқ сўзи, 2020 йил, 1 октябрь. – Б. 1.

тараққиёт стратегияси тўғрисида» Фармони ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Умумий ўрта таълим мактабларида ғазал ўқитиш, унинг назарий асосларини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш масалалари М.Абдурашидхонов, А.Фитрат, А.Авлоний, С.Долимов, А.Зуннунов, Қ.Йўлдошев, Б.Тўхлиев, В.Қодиров; мактаб таълимида лирик асарларни ўқитиш, ўқувчиларда адабий таҳлил малакасини шакллантириш, шеърий асарларни мустақил таълим шаклида ўргатиш, адабий таълимга педагогик технологияларни татбиқ этиш муаммолари С.Матчон, М.Мирқосимова, Қ.Ҳусанбоева, Р.Ниёзметова, Ф.Эгамбердиева томонидан тадқиқ этилган.

В.В.Голубков, З.Я.Рез, О.Ю.Богданова, В.Г.Маранцман бадиий асарларни ўқитишнинг умумий масалаларини; Ю.М.Лотман, Л.А.Новиков лирик матнларни таҳлил қилиш ва бу жараёндаги методологик асосларни; Н.И.Кудряшов адабиёт дарсларида ўқитиш методларининг ўзаро алоқаси ва мувофиқлиги имкониятларини; Т.Я.Еремина адабий таълимда инновацион технологиялардан фойдаланиш муаммоларини тадқиқ этишган.

Н.Хартман, Р.Ингарден, И.Туналилар бадиий матн таҳлилининг фалсафий-эстетик асосларини; Я.Байрам, Д.Тўкел, С.Кардашлар онтологик таҳлил методи асосида ғазал жанрининг янги таҳлилларини яратиш масалаларини; С.Хусайнўғлу, Б.Ҳесенлилар мактабда мумтоз матнларни ўргатиш; И.Шериф, С.Бурт, А.Найлор, А.Б.Вудлар мактаб таълимида шеърий асарларни янги методлар ва педагогик технологиялар асосида ўргатиш имкониятларини тадқиқ этишган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат педагогика университети илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ПЗ-20170923121 рақамли «Таълим муассасаларида ҳамкорлик асосида педагогик фаолиятни ривожлантириш» мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган (2017 – 2020 йй.).

**Тадқиқотнинг мақсади** умумий ўрта таълим мактабларининг 6 – 11-синфларида ғазал ўқитиш методикасини такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

ғазал жанрини ўқитиш методикаси тарихи, Шарқ мутафаккирларининг илмий-адабий меъроси ва мумтоз жанрларни ўқитишга оид тажрибаларнинг педагогик имкониятларини таҳлил этиш;

ғазал танлаш ва тақдим этиш тамойилларини ишлаб чиқиш асосида ғазал ўқитиш методикасини такомиллаштириш;

ғазал намуналарини ўқитишга оид мавжуд илмий-методик ёндашувлар тизимини янги қараш ва методлар асосида такомиллаштириш;

ғазал ўқитиш жараёнини шакл ва бадиий-эстетик ният уйғунлигини англашга кўмаклашувчи таҳлиллар, ўқувчилар билимини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш орқали такомиллаштириш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида умумий ўрта таълим мактабларининг 6 – 11-синфларида ғазал ўқитиш методикасини такомиллаштириш жараёни танланган бўлиб, Тошкент шаҳаридаги 329-, Андижон вилоятидаги 60- ва Фарғона вилоятидаги 7-умумий ўрта таълим мактабларининг жами 1162 нафар ўқувчиси жалб қилинган.

**Тадқиқотнинг предметини** умумий ўрта таълим мактабларининг 6 – 11-синфларида ғазал ўқитиш методикасини такомиллаштиришнинг мазмуни, шакли, метод ва воситалари ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда қўйилган мақсадга эришиш ва белгиланган вазифаларни ҳал этишда суҳбат, кузатиш, сўровнома ўтказиш, тест, қиёсий таҳлил, системали ёндашув, тавсифлаш, математик-статистик таҳлил каби усуллардан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

ғазал ўқитиш методикаси IX–XIX асрларда ижод қилган шарқ мутафаккирларининг шеър ва шоирлик ижодкорлик моҳияти, шеърлий таълим ҳамда XX аср бошларида фаолият олиб борган жадидларнинг ғазал ўқитишга оид прогрессив қарашлари ҳамда замонавий мутахассисларнинг илғор ғояларини ўзаро уйғунлаштириш асосида такомиллаштирилган;

ғазал ўқитиш методикасини ривожлантириш тенденциялари ғазал танлаш, тақдим этиш тамойиллари ҳамда ғазал ўқитиш жараёнининг миллий маданият билан бевосита боғлиқ ибтидоий келиб чиқиш тарихи ва доимий ривожланиш тамойилларини аниқлаштириш асосида такомиллаштирилган;

умумий ўрта таълим мактабларидаги ғазал ўқитишга оид мавжуд илмий-методик ёндашувлар таҳлил ҳамда илмий-эстетик тафаккурини ўстиришга кўмаклашишга қаратилган эпиграф, иқтибослардан фойдаланиш кўникмаларини динамик ривожлантириб бориш асосида такомиллаштирилган;

ғазал ўқитиш жараёнини шакл ва мазмун уйғунлигини англашга имкон берувчи таҳлил тизими, усуллар, савол ва топшириқлар мажмуи рақамлашаётган медиа шароитида миллий менталитетга хос детал образлар, уларнинг лирик, ижтимоий, биографик ҳамда адабий-назарий хусусиятларини интерпретация қилиш асосида такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

Ғазал жанри намуналарини мактаб таълимида ўқитишга оид миллий методикамизнинг ўтмиш ва бугунги тажрибалари, дунё таълим муассасаларида олиб борилаётган тадқиқотларни ўрганиш орқали мавжуд ғазал ўқитиш методикаси тизимлаштирилиши, таҳлил усулларини янгилаши, рақамли технологияларни жараёнга фаол жалб этиши, ғазал намуналарини танлаб олиш

принципларини замонавийлаштириши кераклиги исботланган ва мазкур муҳим жиҳатлар асосида мавжуд ғазал ўқитиш методикаси такомиллаштирилиши зарурлиги тавсия этилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги** адабиёт ўқитишнинг сўнгги илмий ютуқлари ва ишончли манбаларга таянилганлиги, хулосаларнинг суҳбат, системали ёндашув, қиёсий таҳлил, математик-статистик таҳлил, тавсифлаш каби усуллар орқали чиқарилганлиги, илмий янгилик, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти чиқарилган хулосаларнинг умумий ўрта таълим тизимида ғазал жанри намуналарини тизимли ва самарали тушунтириш, мумтоз адабий материални замонавий талаблар асосида ўқитиш ва мавжуд ғазал ўқитиш методикасини такомиллаштиришда илмий-назарий асос бўлиб хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ғазал жанри намуналарини ўқитиш жараёнини янада чуқурроқ англашга, ушбу жанр намуналари имкониятларидан ёш авлод тарбиясида кенгроқ фойдаланишга, шунингдек, ишдаги назарий умумлашма, таҳлил намуналари ва тавсиялардан адабиёт ўқитиш методикасига оид дарслик, қўлланма яратиш, ўқитиш жараёни, синф ва мактабдан ташқари тарбиявий ишлар ташкил этишга ёрдам беришида кўринади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Умумий ўрта таълим мактабларида ғазал жанри намуналарини ўқитишни такомиллаштиришга оид илмий тадқиқот натижалари асосида:

ғазал ўқитиш методикаси IX–XIX асрларда ижод қилган шарқ мутафаккирларининг шеър ва шоирлик ижодкорлик моҳияти, шеърини таълим ҳамда XX аср бошларида фаолият олиб борган жадидларнинг ғазал ўқитишга оид прогрессив қарашлари ҳамда замонавий мутахассисларнинг илғор ғояларини ўзаро уйғунлаштириш асосида такомиллаштиришга оид таклифлар ПЗ-2017927124 рақамли «Таълим муассасаларида ҳамкорлик педагогикаси асосида педагогик фаолиятни ривожлантириш» номли амалий лойиҳа доирасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда фойдаланилган (Тошкент давлат педагогика университетининг 2022 йил 25 майдаги 02-07-1420/04-сон маълумотномаси). Натижада ғазал жанрини ўқитиш методикаси тарихи, Шарқ мутафаккирларининг илмий-адабий меъроси ва мумтоз жанрларни ўқитишга оид тажрибаларнинг педагогик имкониятларини таҳлил этишга эришилган;

ғазал ўқитиш методикасини ривожлантириш тенденциялари ғазал танлаш, тақдим этиш тамойиллари ҳамда ғазал ўқитиш жараёнининг миллий маданият билан бевосита боғлиқ ибтидоий келиб чиқиш тарихи ва доимий ривожланиш тамойилларини аниқлаштириш асосида такомиллаштириш бўйича тавсиялар ПЗ-20170923121 рақамли «Шахс тарбиясида миллий хусусиятларни тадқиқ этишнинг методологик асосларини такомиллаштириш» номли лойиҳа доирасида белгиланган вазифаларни амалда бажаришда фойдаланилган (Тошкент давлат педагогика университетининг 2022 йил 25 майдаги 02-07-1420/04-сон маълумотномаси). Натижада ғазал танлаш ва тақдим этиш тамойилларини ишлаб

чиқиш асосида ғазал ўқитиш методикасининг такомиллаштиришга шароит яратилган;

умумий ўрта таълим мактабларидаги ғазал ўқитишга оид мавжуд илмий-методик ёндашувлар таҳлил ҳамда илмий-эстетик тафаккурини ўстиришга кўмаклашишга қаратилган эпиграф, иқтибослардан фойдаланиш кўникмаларини динамик ривожлантириб бориш асосида такомиллаштириш бўйича маълумотлар ПЗ-20170930393 рақамли «Алишер Навоийнинг «Ғаройиб ус-сиғар» девонидаги ғазалларнинг ўзбек ва инглиз тилларида илмий изоҳ ва шарҳларини яратиш» мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда фойдаланилган (Тошкент давлат педагогика университетининг 2022 йил 25 майдаги 02-07-1420/04-сон маълумотномаси). Натижада ғазал намуналарини ўқитишга оид мавжуд илмий-методик ёндашувлар тизимини янги қараш ва методлар асосида такомиллаштириш имкони оширилган;

ғазал ўқитиш жараёнини шакл ва мазмун уйғунлигини англашга имкон берувчи таҳлил тизими, усуллар, савол ва топшириқлар мажмуи рақамлашаётган медиа шароитида миллий менталитетга хос детал образлар, уларнинг лирик, ижтимоий, биографик ҳамда адабий-назарий хусусиятларини интерпретация қилиш асосида такомиллаштириш бўйича тавсиялар ПЗ-20170923121 рақамли «Шахс тарбиясида миллий хусусиятларни тадқиқ этишнинг методологик асосларини такомиллаштириш» номли лойиҳа доирасида белгиланган вазифаларни амалда бажаришда фойдаланилган (Тошкент давлат педагогика университетининг 2022 йил 25 майдаги 02-07-1420/04-сон маълумотномаси). Натижада ғазал ўқитиш жараёнини шакл ва бадий-эстетик ният уйғунлигини англашга кўмаклашувчи таҳлиллар, ўқувчилар билимини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш орқали такомиллаштиришга замин яратилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида апробациядан ўтган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 6 таси республика ҳамда 1 таси хорижий журналда нашр қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган, умумий ҳажми 148 саҳифадан иборат.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, унинг Ўзбекистон Республикасида фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, ишнинг мақсади ва вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети баён этилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий

натижалари, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, амалиётга жорий этилиши, нашр қилинган ишлар, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар баён этилган.

Диссертациянинг «Ғазал жанрининг ўқитилиш тарихи ва илмий-методик асослари» деб номланган биринчи боби икки фаслдан ташкил топган. Биринчи фасл «Ғазал жанрини ўқитишга оид назарий қарашлар ва уларнинг миллий методикадаги аҳамияти» деб номланади. Мазкур фаслда ғазалнинг жанр сифатида пайдо бўлиш тарихи ва тадрижий такомиллиги, ўрганилиши ҳақида умумий хулосалар берилиб, адабиётшунослигимиз тарихида шеър ва шоирлик маҳорати, лирик асарларнинг шахс тарбиясидаги ўрни ва ўқитилиши ҳақида шарқ мутафаккирлари билдирган назарий характердаги қарашлар ўрганилиб, уларнинг миллий методикамиз такомиллигидаги ўрни ва аҳамияти тадқиқ этилган.

Лирик асарлар муайян оҳангга солингани, ҳажм жиҳатидан бошқа адабий турларга нисбатан сиқик, инсонлар хотирасида тез ва осон сақланиб қолиши, кишига маърифий-эстетик таъсир кўрсатиш имкониятининг кенглиги, ўқувчининг турли ёш хусусиятлари ва адабий тайёргарлигига мос бўлган хилма-хил жанрларга эгаллиги сабабли қадимги даврлардан бугунги кунгача таълимнинг турли босқичларида ўрганилган, ўқувчиларга энг кичик ёшдан ўқитилган. Хусусан, ғазал жанридаги асарлар мактаб, мадрасаларда мунтазам ўрганилган. Шарқда узоқ йиллар давомида ўқитилган илми аруз, илми қофия ва илми бадеъ каби фанлар доирасида ғазаллардан намуналар ўқувчиларга таништириб борилган ва таҳлил қилинган. Араб ва форс тилларида битилган кўплаб асарлар шеърят таълимида кенг қўлланган. Низомий Арузий Самарқандийнинг «Чоҳор мақола»даги ушбу фикрлари буни далиллайди: «Ҳар кимнинг шеър таъби мустаҳкам, сўзлари эса равон бўлса, шеър илмини ўрганишга, аруз ўқишга киришади. Устод Абулҳасан Сараҳсий Баҳромийнинг «Ғоят ул-арузайн» асарини ҳамда «Канз ул-қофия», «Нақди маоний», «Нақди алфоз», «Сариқот» ва «Тарожим» китобларини мутолаа қилади. У мазкур фаннинг ҳар бир турини шу фанни яхши билувчи устод қўлида ўзи устодлик даражасига етмагунча, юқорида биз санаб ўтган устодлар каби унинг номи ҳам ҳаёт саҳифасида пайдо бўлмагунча таълим олади». Туркий тилда ёзилган Аҳмад Тарозийнинг «Фунун ул-балоға», Алишер Навоийнинг «Мезон ул-авзон», Бобурнинг «Мухтасар» каби асарлари ҳам шоирлик ва шеър илмига қизиқувчилар учун муҳим қўлланма вазифасини ўтаган. Бунда ғазалларнинг шаклий хусусиятлари, қофия тизими, айниқса, вазнга доир кўрсатмалар асосий ўрин тутган.

Ғазал мумтоз адабиётимизнинг салмоқли қисмини ташкил этган, мактабхона ва мадрасаларда «Қуръон», «Ҳафтияк», «Чор китоб»дан сўнг Ҳофиз Шерозий, Алишер Навоий, Муҳаммад Фузулий, Мирзо Бедил, Сўфи Оллоёр, Бобораҳим Машраб ғазаллари жой олган девонлар ўз даври учун дарслик вазифасини ҳам бажарган ва навоийхонлик, бедилхонлик каби дарслар пайдо бўлишига асос бўлган. Аммо эски мактаб ва мадрасалар учун махсус дарсликлар мавжуд бўлмаган, педагогикамиз тарихида шеър илми таълимига оид махсус манбалар яратилган эмас. Мавжуд адабиётлар кўпроқ назарий характерга эга бўлиб, уларда шеърини асарни ўқувчига қай тарзда етказиш, шеърни ўқиш ва ўргатишда нималарга эътибор

қаратиш лозимлиги ҳақидаги тавсиялар ўрни-ўрни билан учраб туради. Мумтоз адиблар ва мутафаккирлар асарларидаги бу каби ўринлар шеърни тушуниш ва тушунтиришда асосий кўрсаткич вазифасини бажарган. Жадидлар даврига келиб ғазал ўқитиш илмий асосда йўлга қўйила бошланди. Собиқ шўро даврида, айниқса, мустақиллик йилларида бу ишлар ривожлантирилди.

Шунча тадқиқотлар, методик қўлланмалар яратилганига қарамай, ғазал ўқувчилар учун ўзлаштиришда мушкул бўлган ва ўқитувчилардан ҳам жиддий филологик, методик тайёргарлик талаб қилувчи жанрлигича қолмоқда. Мавжуд методик қўлланмалардаги фикрлар ҳам мазмунан уйғун ва бир-бирига яқин. Мазкур жанрни ўқитишга оид тажриба, тавсиялар ва замонавий қўлланмаларга бугунги кунда талаб юқори, шу сабабли бугун миллий методикамизда дастур ва дарсликларга уйғун, янги педагогик технологиялар қўлланган, замонавий методлардан унумли фойдаланилган, ўқитувчи ва ўқувчилар учун мўлжалланган ғазал таҳлилларини яратишга эҳтиёж мавжуд.

«Ғазал жанрининг жорий дастур-дарсликларда акс этиши ҳамда ғазал танлаш ва тақдим этиш принциплари» деб номланган иккинчи фаслда мустақилликдан сўнг мумтоз адабиёт, шу жумладан, ғазалларни ўрганиш, унга ёндашув янги сифат босқичига кўтарилгани, умумий ўрта таълим мактабларининг дастур ва дарсликларида ғазал жанри намуналарининг тақдим этилиши, бунда дастур тузувчилар ва дарсликлар муаллифлари амал қилган тамойиллар таҳлил этилиб, дастур ва дарсликлар учун ғазал жанри намуналарини танлаш ва уларни тақдим этиш принциплари ишлаб чиқилди. Ушбу принципларни ишлаб чиқишда амалиёт, бугунги кун ўқувчисининг имкониятлари ҳамда ғазал ёзиш ва ўқитишдан кўзланган мақсад асосий мезонлар сифатида олинди.

XIX асргача бўлган ўзбек адабиётида лирика етакчи адабий тур бўлгани боис адабий таълимда адабиёт намуналарининг катта қисмини шеърини асарлар ташкил қилган. Шунга мувофиқ жорий дастур ва адабиёт дарсликларида ҳам ғазал мумтоз лирик асарлар орасида катта ўрин эгаллаган. Дастурга кўра, ғазаллар 6-синфдан 11-синфга қадар ўқитилади, амалдаги дастурда 12 та ижодкорнинг 37 та ғазалини ўрганиш белгиланган. Бизнингча, дастурга ғазал танлашда яратилган даврига эътибор қаратиш, бунда ўзбек адабиётидаги илк намуналардан тортиб XX аср ўрталари ва XXI аср бошларида яратилган, ўзида тарихийлик ва замонавийликни уйғунлаштирган ғазалларни таълим босқичларида махсус ўрганиш мумкин.

Муайян жанр намуналарини танлашда ҳам, улардан таълим-тарбия жараёнида фойдаланишда ҳам ҳажм муаммоси мавжуд. Бу, албатта, эътиборда тутилиши шарт бўлган методик муаммолар сирасига киради. Шу нуқтаи назардан дастурдаги умумий манзара қуйидагича:

**1-жадвал**

**Ғазаллар ҳажми**

3 байтли ғазаллар	5 байтли ғазаллар	6 байтли ғазаллар	7 байтли ғазаллар	8 байтли ғазаллар	9 байтли ғазаллар
1та	7та	4та	1 та	1та	7та

Бундан ташқари, адабиёт дастурида тегишли материални танлашдаги асосий мезон – мавзудир. Педагогик жараёнга жалб этилган ҳар қандай асар ўқувчини тарбиялаши, эзгу сифатлар билан таъминлаши даркор.

2-жадвал

#### Ғазалларнинг мавзу қамрови

№	Мавзу	Сони	%
1	Ахлоқий-таълимий	4	10,8%
2	Ошиқона	19	51,4%
3	Орифона	7	18,9%
4	Пейзаж	4	10,8%
5	Ҳасби ҳол	3	8,1%
Жами		37	100%

Кўриниб турибдики, дарсликлардаги ғазалларнинг ярмидан кўпини ошиқона мавзудаги ғазаллар ташкил этади. Тўғри, ишқ-муҳаббат ғазалнинг етакчи мавзуси, шунга қарамай, адабиётни ўқитишдан асосий мақсад назарда тутилса, мактабда ахлоқий-таълимий йўналишдаги ғазаллар миқдорини ошириш зарурлиги кўринади.

Ғазал жанри намуналарини дарсликларда беришда, асосан, ғазал жанри ҳақида назарий маълумот келтириш, ғазал матнини тўлиқ тақтеъ билан бериш, матнни мукамал луғат билан таъминлаш, ғазал жанрига оид бадий тасвир воситалари ҳақида назарий маълумотлар тақдим этиш, ғазални таҳлил этишга кўмаклашувчи қўшимча адабий материаллар билан бойитиш, ҳар бир ғазал учун алоҳида савол ва топшириқлар тизимини ишлаб чиқиш, ғазал таҳлил қилиш жараёнини тизимлаштириш каби принципларга риоя этиши кераклиги таъкидланди.

**«Ғазал ўқитиш методикасида янги ёндашув, метод ва технологияларнинг ўрни»** деб номланган иккинчи боб ҳам икки фаслдан иборат. Дастлабки фасл «Ғазал ўқитишда онтологик таҳлил методи имкониятлари» деб номланган. Унда бугунги кун мактаб адабий таълимида ғазал жанрини ўқитиш жараёни ва методлари масаласи таҳлил этилиб, ғазал ўқитишнинг мазкур жиҳатини ислоҳ қилишга оид фикр-мулоҳазалар баён қилинган.

Мумтоз асарларнинг маъно қатламларини ўқувчи – ғазалхонларга етказиш қадимдан таълим тизимидаги асосий мақсадлардан бири бўлган. Бунинг учун турли таҳлил ва ўқитиш усулларидан фойдаланилган. Бугунги кунда замонавий мактабларда қўлланаётган ўқитиш шакли ва усуллари ҳам кўп жиҳатдан уларга таянади. Шунга қарамай, энди жаҳон илм-фанидаги улкан ўзгаришларнинг филологик таълимда ҳам ўзига хос ифодасини инкор этиб бўлмайди. Бир томондан анъанавий таълим усуллари, иккинчи томондан XX аср тажрибалари, XXI асрдаги янгича ёндашувларнинг умумлашмаси ўлароқ янада маъқул шакл ва усуллари излаш жараёни мунтазам давом этмоқда. Аммо ҳалигача бу борада жиддий янги натижаларнинг қўлга киритилмагани ҳам маълум. Таъкидлаш керакки, адабиётшуносликда ғазал тадқиқига оид катта ишлар амалга оширилди.

Шунга қарамай, адабиёт ўқитиш методикасида мазкур ютуқ ва тажибалардан ижодий фойдаланиш, уларнинг янги натижаларини амалиётга татбиқ этиш борасидаги ишларни қониқарли дейиш қийин.

Мавжуд методик ва амалий эҳтиёжлар натижасида адабиётни тушуниш, тушунтиришга оид янги ёндашувлар ўрганилди. Жаҳон филологиясида оммаланиб бораётган методлардан бири онтологик таҳлил методи экани маълум бўлди. Д.Тўкелнинг қайд этишича, бадиий матнларда онтология, бу– матнни ташкил этувчи маъно қатламларини текширадиган ва матн сеҳрини ўрганадиган ёндашувдир. Мазкур метод бадиий асарлар, хусусан, ғазал жанрининг кенг қамровли шарҳи ва изоҳига имкониятлар яратиши билан ижтимоий-гуманитар фанларда қўлланувчи бошқа методлардан ажралиб туради. У гарчи бадиий асарни илмий асосда таҳлил қилишга қаратилган бўлса-да, ундан ўқув таҳлилида ҳам кенг фойдаланиш имкониятлари мавжуд. У кўпроқ мактаб дастурларидан ўрин олган мумтоз асарлар, хусусан, ғазал жанри намуналари таҳлиliga мос келади. Ушбу методни мактаб ўқитувчиларининг даражаси ва ўқувчиларнинг ёш хусусиятларига бироз мослаб, яъни баъзи қатламлар номини қайта кўриб чиқиб, ҳар бир қатламда бадиий матннинг қайси жиҳатларига диққат қаратиш лозимлиги ҳақида кенгроқ методик кўрсатмалар ишлаб чиқилди. Онтологик таҳлил методи ўқув таҳлиliga мослаштирилиб шартли равишда «Тизимли таҳлил» методи деб атадик, унинг асосий қисмларини қуйидагича белгиланди:

3-жадвал

«Тизимли таҳлил» методи

Ғазалнинг таркиби	
<p><b>I. Шаклий таркиб</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>– ғазал ҳажми;</li> <li>– ғазалдаги оҳангдорликни таъминловчи асосий товушлар;</li> <li>– ғазалнинг қофияси ва радифи;</li> <li>– ғазал вазни ва тақтеъси.</li> </ul>	<p><b>II. Мазмуний таркиб</b></p> <p>1. Маъно қатлами:</p> <p>а) <i>Сўзнинг лугавий ва рамзий маънолари;</i></p> <p>б) <i>байтнинг насрий баёни.</i></p> <p>2. Таянч сўзлар қатлами.</p> <p>3. Лирик қаҳрамон тасвири қатлами.</p> <p>4. Якуний қатлам.</p>

Мазкур метод орқали ғазалнинг ҳар бир байти алоҳида-алоҳида шаклий ва мазмуний таркиб қатламлари доирасида таҳлил этилади. Дастлаб, ғазалнинг шаклий жиҳатларига эътибор қаратилади, бунда ғазал ҳажми, байтда оҳангдорликни таъминловчи асосий унли ва ундош товушлар (ассонанс ва аллитерация), ғазалнинг қофияланиш шакли, қофиядош сўзлар ва радиф (агар мавжуд бўлса), ғазал вазни ва тақтеъси (ўқитувчи билан ҳамкорликда) аниқланади. Шунга қарамай, уларни фақат шаклни белгиловчи ходисалар сифатида қабул қилиш тўғри эмас, айти мана шу унсурлар маъно қатламининг аниқ, тўғри ва таъсирчан ифодаси учун хизмат қилади. Ғазалда биринчи байтда аниқланган шаклий белгилар кейинги байтларда ҳам такрорланади, шу боис кейинги байтларда оҳангдорликни таъминловчи товушлар тизими ва қофиядош сўзларни таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ.

Мазмуний таркибда эса ҳар байт тўрт қатлам нуқтаи назаридан таҳлил этилади. Бунда биринчи қатлам бўлган «Маъно қатлами»да байтнинг маъно томони изоҳланади, бу жараён икки босқичда давом этади. Биринчи босқичда байтдаги ўқувчи учун ҳар бир тушунарсиз сўз, сўз бирикмаси ва кўшимчаларнинг луғати тузилади, уларнинг луғавий ва рамзий маънолари аниқланади. Иккинчи босқичда эса байтнинг насрий баёни шакллантирилади. Бу босқич ўқувчиларда муайян кўникма ҳосил бўлгунча ўқитувчи билан ҳамкорликда олиб борилиши мақсадга мувофиқ.

Иккинчи, яъни «Таянч сўзлар қатлами»да байтдаги энг асосий таянч сўзлар белгилаб олинади ва ушбу сўзлар орасидаги боғланиш, мазкур сўзлар орқали шоир ифодаламоқчи бўлган бадий ва маърифий ният белгиланиб, уларни юзага чиқарган бадий санъатлар аниқланади. Таянч сўзлар ўртасидаги боғланиш, албатта, ўқувчига кўмаклашувчи турли схема ва чизмалар шаклида тақдим қилиниши зарур. Учинчи, яъни «Лирик қаҳрамон тасвири қатлами» кўпроқ биографик характерга эга бўлиб, унда шоир ёки лирик қаҳрамоннинг байтда акс этган ўй-фикри, ҳолати, кечинмалари, олам ва одамга муносабати, мулоҳазалари таҳлил этилади. Тўртинчи, яъни «Яқуний қатлам»да эса тасвир ва ифодадаги маъно талқини, адабий-эстетик қарашлар умумлаштирилади, байт ёки ғазалдан келиб чиқувчи умумий хулоса шакллантирилади.

Диссертацияда битта ошиқона, битта орифона ғазалнинг тўлиқ таҳлилини амалга оширдик. Ушбу метод орқали шаклдан мазмунга, зоҳирдан ботинга олиб кирувчи, матнда ижодкор ифодалаган ва тингловчига етказиш мақсад қилинган бадий ниятни тўла англашга хизмат қилувчи тизимга эга бўламиз.

Ушбу методдан таълим жараёнида самарали фойдаланиш орқали ўқитувчи ва ўқувчиларни ғазал жанри таҳлилини амалга ошириш бўйича қатъий йўл харитаси билан таъминлаш мумкин. Ана шунда шаклдан маънога, зоҳирдан ботинга олиб кирувчи, матнда ижодкор томонидан ифодалаган ва тингловчига етказиш мақсад қилинган бадий ниятни тўла англашга хизмат қилувчи тизимга эга бўламиз. Шунда натижа сари тўғри ва осон олиб борувчи конкрет дастур пайдо бўлади. Ушбу метод қисқа вақтда мураккаб ўқув предметини илмий асосланган, самарали таҳлил қилиш имконини беради. Бинобарин, адабий таълим, жумладан, ғазал ўқитишдан кўзланган мақсадни мукамалроқ юзага чиқаришга хизмат қилади.

Бобнинг «Ғазал ўқитишда интерфаол методлар ва рақамли технологиянинг аҳамияти» деб номланган иккинчи фаслида адабий таълим, жумладан, ғазал жанри намуналарини ўқитишда интерфаол методларнинг аҳамияти ва рақамли технологияларнинг имкониятлари хусусида сўз боради. Таълим жараёнини ноанъавий тарзда ташкил қилиш, дарс шаклининг бир қолипда бўлишига йўл кўймаслик, катта ҳажмли ахборотни қисқа фурсатда ва қизиқарли йўсинда етказиш, ўқувчиларнинг дарсга бўлган фаоллигини ошириш ва уларнинг фаолиятини жадаллаштиришда интерфаол методларнинг ўрни катта.

Ғазал ўқитиш жараёнида интерфаол методлардан дарсни мустаҳкамлаш қисмида фойдаланиш кўпроқ ижобий самара беради. Бу босқич ўқувчи янги билимларни қандай қабул қилгани, тушунганлик даражасини кўрсатади.

Интерфаол методлар эса мазкур ишларни ташкиллаштириш, ўқувчилар билан индивидуал ёки жамоавий ишлаш, вақтни тежашда қулайликлар яратади. Амалиёт ғазал таҳлилидан сўнг, ўзлаштирилган билимларни такрорлаш ва мустаҳкамлашда «Мос мақолни топ», «Учинчиси (тўртинчиси, бешинчиси) ортиқча», «3x3 (4x4, 5x5) », «Блиц сўров», «Расмларни тўғри жойлаштир», «Синквейн», «Венн диаграммаси» каби методлар имкониятидан фойдаланиш анча самарали эканлигини кўрсатди. Ушбу фаслда мазкур методларнинг имкониятлари назарий таҳлил этилиб, уларни ғазал таҳлилига жорий этиш бўйича тавсиялар ва таҳлил намуналари ишлаб чиқилди.

Бугун таълимда интерфаол методларни замонавий ўқувчига тақдим этиш шакллари ва воситаларини янгилаш эҳтиёжи юзага келди. Техника ва технологиялар оламида туғилиб вояга етаётган бугунги кун ўқувчисига таълим бериш, уни дарсга қизиқтириш, ахборотни сингдириш, билимни кўникмага айлантириш бир мунча мураккаб жараёнга айланиб улгурди. Бугунги ўқувчиларда медиасаводхонлик ўқитувчиларга нисбатан яхшироқ ривожланган. Адабий таълимда рақамли технологияларнинг аҳамияти мавжуд тажриба: онлайн дарслар ташкил этиш, таълимий интернет сайтларидан фойдаланиш, музейларга виртуал саёҳат уюштириш, адабиётга оид мобил иловалардан фойдаланиш мисолида ўрганилди. Шунингдек, ғазал ўқитиш жараёнида дарснинг турли босқичларида, хусусан, мавзуни тушунтиришда мультимодал тақдимотлар яратиш (Kingsoft, OpenOffice Impress Vide, Power Point, SlideDog, Apple Keynote, Video Scribe), мавзуни мустаҳкамлашда интерактив топшириқлар яратишга ихтисослашган платформалар (myquiz.org, wordwall.net, admin.typeform.com) имкониятларидан фойдаланиш, уйга вазифани бажариш босқичида мультимодал топшириқларни мини дастурлар (filmigo, photo slideshow, inshot) ёрдамида яратиш имкониятлари назарий таҳлил этилди.

Филологик таълимда рақамли технологиялардан фойдаланиш вақтни тежаш, масофадан ютиш, қулайликка эришиш, синфдан ташқари машғулотларни қизиқарли тарзда ташкил қилиш, энг яхши мутахассисларни дарсга жалб қилиш, ўқувчиларни қизиқтириш, топшириқларнинг хилма-хиллигига эришиш, дарсни юқори кўрғазмалилик билан таъмилаш, турли шароит ва вазиятларда ҳам таълим тизимидаги узлуксизликка путур етишига йўл қўймаслик, энг муҳими, ўқувчиларда мустақил ишлаш кўникмасини жадал ривожлантириш каби имкониятлар яратади.

Диссертациянинг учинчи боби «**Ғазал ўқитиш методикасини такомиллаштиришга оид тажриба-синов ишларининг мазмуни ва натижалари**» деб аталиб, «Тажриба-синов ишларининг мазмуни» номли биринчи фаслида тадқиқотимизнинг I ва II бобларида илгари сурилган фикр ва тавсиялар, мактабда ғазал таҳлили учун таклиф этилган янги ва интерфаол методларнинг самарадорлигини текшириш мақсадида турли ҳудудларда олиб борилган тажриба-синов ишларининг мазмуни ва ташкил этилиш жараёни ёритилган.

Тажриба-синов ишлари 2020 – 2022 йиллар мобайнида амалга оширилиб, унга 1162 нафар ўқувчи жалб этилди. Тажриба-синов ишлари Тошкент шаҳар

Янгиҳаёт тумани 329-мактаб (408 нафар ўқувчи), Фарғона вилояти Қўқон шаҳри 7-мактаб (376 нафар ўқувчи) ва Андижон вилояти Асака туманидаги 60-мактаб (378 нафар ўқувчи)ларида ўтказилди. Ўқувчилар тажриба ва назорат гуруҳларига бўлинди. Тажриба гуруҳларида 581 нафар ўқувчи, назорат гуруҳларида ҳам 581 нафар ўқувчи иштирок этди.

Тажриба-синов ишларини ташкил этиш III босқичда амалга оширилди.

Асословчи тажриба-синов босқичда умумий ўрта таълим мактабларида ғазал жанри намуналарини ўқитиш билан боғлиқ мавжуд ҳолат кузатилди. Бунинг учун амалдаги адабиёт фанидан ўқув дастурида ғазал жанри учун ажратилган соатлар ва дарсликларда ғазал жанрига оид материаллар синчиклаб ўрганиб чиқилди, танқидий таҳлил қилинди. Ғазал жанрига оид намуналар ўқувчиларга қайси метод ва усулларда етказилаётгани, уларнинг ўқувчилар илмий-эстетик тафаккурини ўстиришдаги ўрни, дарсликларда аниқланган камчиликларнинг дарс самарадорлигига таъсир даражаси ўрганилиб, фан ўқитувчилари билан суҳбатлар, сўровномалар ўтказилди. Мавжуд камчиликлар аниқланиб, уларни бартараф этиш йўллари устида ишланди.

Шакллантирувчи тажриба-синов босқичида таҳлил намуналари яратилди, ҳар бир ғазал учун саволлар тузилди, ўқувчиларни матн юзасидан хилма-хил фикрлашга ундовчи, ностандарт топшириқлар тизими ишлаб чиқилди. Бунда муайян фикрни асослаш учун эпиграф ва иқтибослардан фойдаланиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Мазкур таҳлил намуналарини ва савол-топшириқлар тизимини рақамли технологиялардан фойдаланган ҳолда ўқувчига тақдим этишга аҳамият берилди.

Якуний босқичида назорат синфлари ва тажриба синфларида ўтказилган дарс натижалари, ўқувчиларнинг ўзлаштириш кўрсаткичлари ўзаро таққосланди. Олинган натижалар математик-статистик таҳлил методи ёрдамида ҳисоблаб чиқилди.

